

“БОЛАЛИК” КОНЦЕПТИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Юлдашева Дилафруз Махамдалиева, Фарғона давлат университети, филология
фанлари доктори (DSc), ФарДУ доценти

Холматова Ёдгорой Бахтиёржон қизи – ФарДУ магистри

Эралиева Замира Расулжоновна – ФарДУ магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7709393>

Аннотация: Мазкур мақолада концепт олам идрокида фаол ҳаракатланувчи, унинг онгида ментал тарзда намоён бўлувчи, тил соҳибларининг дунёқараши, миллий-этник хусусиятларини ўзида акс эттирувчи бирлик эканлиги “Болалик” концепти мисолида ёритилди.

Таянч сўзлар: концепт, тил соҳиби, ментал, миллий-этник

ВЫРАЖЕНИЕ КОНЦЕПТА "ДЕТСТВО"

Аннотация: В данной статье раскрыто понятие «детство», которое активно движется в восприятии мира, ментально проявляется в сознании, отражает мировоззрение носителей языка, национально-этнические особенности. пример концепции.

Ключевые слова: концепт, владелец языка, менталитет, национально-этнический

EXPRESSION OF THE CONCEPT OF "CHILDHOOD".

Abstract: In this article, the concept of "Childhood" concept, which actively moves in the perception of the world, manifests itself mentally in the mind, reflects the worldview of the speakers of the language, and the national-ethnic characteristics, was explained on the example of the concept.

Key words: concept, language owner, mental, national-ethnic

КИРИШ

Асрлар силсиласида бебаҳо қадрият сифатида муҳим ўринга эга бўлган фарзанд таълим-тарбияси хали ҳануз ўз долзарблигини йўқотмаган. Халқимизда “Ким ўғил болага таълим берса, бир кишига таълим берибди. Ким қиз болага таълим берса, бутун бошли бир оилага тарбия берибди” дейилади. Баъзи қудсий асарларда келишича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Жаннат ҳалқасини биринчи бўлиб ушлайдиган киши менман”, деб айтганлар. У зот яна: “Бир аёл жаннатга мenden аввал киришда мен билан баҳслашмоқда. Мен: “Эй Жаброил, бу ким?” десам, у зот: “У болаларини тарбия қилган аёл”, дедилар. Шунинг учун қиз бола диннинг асл таълимотларини ўрганса, зарур ва керакли маълумотларга эга бўлса, юқори савиядаги она бўлиб етишиши ҳаёт тажрибаларидан маълум. Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов : “Билмам, қандай инсон бўлган Алишернинг онаси”, деб ёки Ҳ.Олимжоннинг “Кўп эртақ эшитгандим, сўзлаб берарди бувим” сатрларида қадимдан ўзбек аёлларининг зиёли ва маърифатли бўлганлигига ишора қилинади. Шу боис, ўзбек халқининг лисоний олам манзарасида ҳам оила, аёл ва бола концепти бир-бирига ўйғун тарзда, ўзаро алоқадорликда намоён бўлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, **концепт** олам идрокида фаол ҳаракатланувчи, унинг онгида ментал тарзда намоён бўлувчи, тил соҳибларининг дунёқараши, миллий-этник хусусиятларини ўзида акс эттирувчи бирликдир. Тушунча- предметлар ва ҳодисалар ҳақидаги фикр бўлиб, уларнинг умумий ва аҳамиятли белгиларини акс эттиради, концепт эса бирор жиҳати билан умумийлик касб этган тушунчалар йиғиндисидан иборат бўлиб, шундай бир ғояки, у нафақат мавҳум, балки аниқ-ассоциатив ва эмоционал-баҳоловчи белгиларни ҳам қамраб олади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ҳозирги замон тилшунослигида “**концепт**” термини дунё ҳақидаги билимларни намоён этиш шаклларида бири сифатида ишлатилади. “Концепт” атамасини фанга дастлаб ўрта асрлар концептуализми давридаги У.Гоббс, П.Абельяр, У.Оккам каби файласуфлар олиб кирган бўлиб, уларнинг фикрича, концепт-нарсаларнинг белгиларини умумлаштирувчи ва онг томонидан унинг ички фойдаланиши учун гавдалантирилган, ўзида муҳим ва долзарб ахборотни жамлаган универсал омиллардир. Шу кунга қадар концепт ҳақида турлича фикрлар, таърифлар ва уларни ўрганишга доир турли ёндашувлар мавжуд. Сўнгги даврларда ўзбек тилшунослигида ҳам концепт ҳақида муҳим маълумотлар юзага кела бошлади. Бу масалада Ш.Сафаров, А.Нурмонов, Ў.Юсупов, А.Абдуазизов, А.Маматов, Д.Ашурова, М.Джусупов, М.Галиева, Д.Агзамова, Д.Худайберганова Н.Тўхтажўжаева Б.Менглиев, З.Холмонова каби олимларнинг асарларидаги фикр-мулоҳазалар характерлидир. Ш.Сафаровнинг фикрича, концепт тафаккур бирлиги бўлиб, унинг асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади¹. Шунингдек, концептнинг кўп қатламли ва кўп қиррали ментал тузилма эканлиги тилшунослар томонидан эътироф этилган. Чунки у бир вақтнинг ўзида психологик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик жиҳатларни намоён этади, когнитив ва лингвокультурологик тадқиқот объекти саналади. Концептнинг ядро вербализаторларини ўрганишда сўзнинг асосий мотивацияси сифатида ички шаклга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу ҳақда Потебня “сўз, аслида, унинг мазмуни учун олинган бутун фикрни эмас, балки унинг хусусиятларидан фақат биттасини ифодалашни”²ни таъкидлайди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

У ёки бу концептни таҳлил қилишда концепт ифодаловчи сўз (вербализатор) этимологиясининг ички шакли ва унинг белгиланган концепт мазмунига қандай боғлиқлигини аниқлаш керак бўлади. “Болалик” концептининг марказий ва периферик луғавий бирликлари ҳақида фикр юритганда, “Соғлом бола” бирикмаси сиёсий, илмий, бадиий ва диний дискурсда намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Қатор йилларнинг Давлат дастурларида соғлом болани ривожлантиришга қаратилган комплекс вазифалар мазкур бирикма остида бола шахсининг жисмоний ва ақлий имкониятларини ривожлантириш мазмун-моҳиятини тўлалигича очиб беришга хизмат қилади. Ёки бадиий асарларда соғлом бола руҳиятига дахлдор жиҳатлар сўз санъати ёрдамида воқеелантирилган. Шунингдек, диний дискурсга мансуб бўлган Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг қаламига мансуб “Соғлом бола” асарида мазкур бирикмани шиор даражасига кўтариш кераклиги таъкидланиб, унинг тўртта асосий маъноси келтирилган. Жумладан, асарнинг 5-саҳифасида қуйидагилар берилади: “Соғлом бола” шиори келажак авлоднинг, яъни янги ўсиб келаётган ёки энди дунёга келиб, мана шу юртда вояга етадиган инсонларнинг ҳар томонлама соғ ва саломат бўлиши ҳақида қайғуриш шиори десак бўлади. “Соғлом бола” шиори келажак авлоднинг, ўсиб келаётган авлоднинг руҳий-маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлишлари ва соғлом ўсишлари учун қайғуриш десак, хато қилмаган бўламиз. “Соғлом бола” шиори ҳар бир юртнинг, миллатнинг, халқнинг асосий ташвишларидан бири бўлмоғи лозим. Чунки келажак авлод ҳар бир миллатнинг, ҳар бир давлат, юрт, эл, халқнинг келажagini белгилайдиган авлоддир. Улар ана шу халқ, юрт,

¹ Сафаров Ш. С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: “Сангзор” нашр., 2006. 6–16

² Потебня А.А. Мысль и язык // А. А. Потебня. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – С.114.

давлат ва элнинг умид ғунчаларидир.”³ “Соғлом бола” бирикмаси диний дискурда асосан оиланинг муқаддас бурчи сифатида белгиланади. Асарда соғлом болага қуйидагича эришиш йўллари кўрсатилади:

1. Соғлом бола учун соғлом ота ва она танлаш;
2. Соғлом бола учун тиббий кўрикдан ўтиш;
3. Соғлом бола тилаб дуода бўлиш;
4. Соғлом бола ва эмизиш;
5. Соғлом болага муносиб исм танлаш;
6. Боланинг қулоғига азон ва такбир айтиш;
7. Боланинг танглайини кўтариш;
8. Болага ақийқа қилиш;
9. Хатна маросими;
10. Болани қарамоғига олиш.

Кўринадик, соғлом болалик интерпретацияси диний-фалсафий матнда кенг ёритиладиган мавзу саналади. Диний дискурда *жаннат райҳонлари, кўз қувончи, умид ғунчалари, саодат калити, улуг неъмат* каби метафораларда ҳам айнан соғлом бола тушунилиши сир эмас.

Хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фарзандлар тарбиясида амал ва ният, яхши сўз муҳим аҳамият касб этади. Соғлом бола эса ҳар бир давр ва жамиятнинг негизи, таянчи бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Соғлом бола. – Тошкент: “Нилol” нашр., 2021.
2. Юлдашева Д.М. Ўзбек болаларига хос оғзаки ва ёзма матнларнинг антропоцентриқ тадқиқи. Монография. - Фарғона: *Classic*, 2021. – 130 б.
3. Юлдашева Д.М. Оилада дастлабки нутқий кўникмаларнинг фойдаланиши. *FarDU. Ilmiy xabarlar* –Научный вестник. ФерГУ, 2020. – №3. – Б.157-161.
4. Юлдашева Д.М. Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида. *FarDU. Ilmiy xabarlar* –Научный вестник. ФерГУ, 2020. – №3. – Б.157-161.

³ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Соғлом бола. – Тошкент: “Нилol” нашр., 2021. 6–5